



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 15 феврал, чоршанба №28 (1245)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ҳар бир киши ўзига топширилган соҳада, бошқарув ва хўжалик юртишининг ҳар бир тузилмаси, ҳар бир бўғини эса, белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ўзининг ўрнини аниқ ва равшан белгилаб олиши, аниқ дастура эга бўлиши ва унинг бажарилишини таъминлаши ўта муҳим аҳамиятга эга.

ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ, РЕСУРСЛАРДАН ТЕЖАМКОРЛИК БИЛАН ФОЙДАЛАНИШ - БОШ ЙЎЛИМИЗ



ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2001 ЙИЛДА РЕСПУБЛИКАНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ, ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОРИШINI БАҲОЛАШ ҲАМДА 2002 ЙИЛГИ ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ЙИҒИЛИШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Хурматли мажлис қатнашчилари! Ҳар бир йилнинг бошида мана шундай анжуманга йиғилиб, ўтган йилнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш яқунларини, ўтказилган иқтисодий ислохотларнинг боришини таҳлил қилиш, олдимизга қўйган мақсадларга қай даражада эришганимизни танқидий баҳолаб, жорий йилда бутун эътибор ва кучимизни қаратишимиз зарур бўлган энг муҳим вазифа ва йўналишларни ўзимиз учун аниқ-равшан белгилаб олиш аниқгина айланб қолди.

Шу маънода, Вазирлар Маҳкамасининг бугунги йиғилишидан кўзда тутилган асосий мақсад 2001 йилда иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида қўлга киритилган натижаларни таҳлил этиш ҳамда 2002 йилда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича ҳал қилувчи йўналишларни аниқлаб олишдан иборат. Сизларга маълумки, 2001 йил яқунлари ҳар бир ҳудуд-шаҳар ва туман, вазирликлар ва бирлашмалар миқёсларида таҳлил қилиниб, атрофлича кўриб чиқилди ва уларга танқидий нуктаи назардан баҳо берилди.

Бизнинг бугунги вазифамиз эса, иқтисодиётимизда, жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида, авваламбор, рўй бераётган ислохотлар натижаларини, янги ҳараёнлар ва сифат ўзгаришларини чуқур таҳлил этиб, керакли хулосалар чиқаришдир.

Ўтган йилда эришилган натижаларга умумий баҳо берар эканмиз, шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, 2001 йил иқтисодиётимизда, бутун жамиятимизда ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган изчил тадбирларимизни жорий этишда муҳим босқич ва уларнинг манъатий давоми бўлди, десак ҳақ қандай хато бўлмайди.

Ҳўш, 2001 йилнинг ўзига ҳос хусусиятларини нималарга, қандай кўрсаткичлар миқёсидан кўришимиз мумкин? Биринчидан, кейинги йилларда бўлгани каби, 2001 йилда ҳам мамлакатимизда макрокотисодий барқарорликни сақлаб туришга эришилди ва иқтисодиётимизнинг ўсиб бориш жараёнлари давом этди.

Натижада ўтган йили ялпи ички маҳсулот ҳажми - 4,5 фоизга, саноат ишлаб чиқариши - 8,1 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш эса - 4,5 фоизга кўпайди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларига мос равишда пасайди.

Айниқса, шуни алоҳида қайд этиш зарурки, ўтган йил ўзбекистон учун макрокотисодий вазият нуктаи назаридан маълум маънода бурилиш йили бўлди.

Уйлайманки, ялпи ички маҳсулот ҳажми ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий аҳолини белгилайдиган асосий кўрсаткич эканини барчангиз яхши биласиз. Биз, 2001 йил яқунларига кўра, ана шу кўрсаткич, яъни, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариши бўйича нафақат ислохотлар бошланган 1991 йил даражасига чиқиб олдик, балки 103 фоиз ўсишга ҳам эришдик.

Бунинг натижасида 2001 йилда жон бошига ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш суръатлари 103,1 фоизни ташкил этди, аҳолининг реал даромадлари эса 16,9 фоизга ортди.

14 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлиси бўлди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов маъруза қилди.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

Ўтган йил мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар учун муҳим йил бўлди, - деди давлатимиз раҳбари. - 2001 йилда биринчи бор ялпи ички маҳсулотнинг 1991 йилга нисбатан 103 фоиз ўсишига эришилди. Макрокотисодий барқарорликни сақлаш ва иқтисодиётни ўстириш тенденцияси аниқ кўзга ташланди. Ялпи ички маҳсулот 4,5 фоиз, саноат ишлаб чиқариши 8,1 фоиз, қишлоқ хўжалигида маҳсулот тайёрлаш 4,5 фоиз кўпайди. Инфляция даражаси ойига ўртача 2 фоизни ташкил этди. Аҳолининг реал даромадлари эса 16,9 фоиз ўсди. Ташқи савдо айланмасида ҳам ўсиш таъминланди, бу борада ижобий салдога эришилди. Энг муҳими, бозор конюктураси Ўзбекистон учун ноқулай бўлишига қарамай, олтин-валюта захираси илгариги даражада сақлаб қолинди.

Президентимиз ўтган йили мамлакатимизда бир неча йirik саноат корхоналари ишга туширилганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, Шўртан газ-кимё мажмуи, йirik тўқимачилик корхоналари ва бошқа корхоналар шулар жумласидандир.

Ислам Каримов республикамизда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш масаласига доимо алоҳида эътибор қаратади. Бу галги мажлисда ҳам давлатимиз раҳбари соҳада талай ўзгаришлар юз бергани, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 24,5 фоизни ташкил этганини қайд этди.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши 50-60 фоизни ташкил этади. Бу эса ушбу мамлакатлар иқтисодиёти дунё бозоридаги вазиятга тез мослашуви ва рақобатбардошлигини таъминлайди. Республикаимизда бу борада ҳали талай камчиликлар мавжуд. Хусусан, 31 та туманда ҳали ҳам хориж сармояси асосида бирорта корхона ишга туширилмаган. Президентимиз бу борадаги сусткашликни қаттиқ танқид қилди ва хусусий сектор иқтисодиётимизнинг асосини ташкил этиши зарурлигини яна бир бор таъкидлади.

Қишлоқ хўжалигида ислохотларни изчил давом эттириш, хусусан, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш учун зарур шароитлар яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Мажлисда кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилди. Юртбошимиз ишга туширилган коллежларда нафақат бугунги кун учун зарур кадрлар, балки истиқболда эҳтиёж пайдо бўладиган

мутахассислар тайёрлашга ҳозирданок жиддий эътибор қаратиш лозимлигига ургуберди. Тегишли вазирликларга 2010 йилгача бўлган даврда иқтисодиётни ривожлантириш ва тарқийбий қайта ўзгариштириш иштиқболларини ҳисобга олган ҳолда интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва ундан юқори даражада самарали фойдаланишни, таълим муассасаларини тугатаётган ёшларнинг иш билан таъминланишини назарда тутувчи дастур тайёрлаш вазифаси юклатилди.

Ўтган йиллар давомида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича талай ишлар қилинди. Бирок, Президентимиз таъкидлаганидек, иқтисодиётимизда муҳим ўрин тутувчи бирорта йirik корхона хусусийлаштирилмаган. Бу эса соҳада ислохотларни янада жадаллаштиришни талаб этади. Шунинг учун 2002 йил бу борада бурилиш йили бўлиши керак.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ер, сув, газ ва энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари атрофлича муҳокама этилди. Ислам Каримов бу борада йўл қўйилаётган жиддий хато ва камчиликларни кўрсатиб ўтди.

Бир неча йилдики, минтақамизда сув тақчиллиги сезилмоқда. Шундай бўлишига қарамай, сувдан хўжасизлик билан фойдаланиш ҳолларига барҳам берилмапти.

«Ишонч»га жавоб берадилар

«ҲОКИМ ҚОНУНИ БУЗСА...»

«Равшанки, фермер хўжалиқлари, саховатпеша кишилар турли тадбирларга муайян маблағни ўз хоҳишлари, қалб амри билан ўтказишлари лозим. Аммо, Дўстлик туманида бу иш баъзида ҳокимлик буйруғи

ёки қарори билан амалга ошириб келинган». Газетамизнинг 2002 йил 30 январ сонидан босилган «Ҳоким қонунни бузса...» сарлавҳали мақола юзасидан қуйидагича жавоб олинди:

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қарияларни кадрлаш йили» Давлат дастури тўғрисидаги Қарорини бажариш юзасидан 2002 йилга мўлжалланган тадбирлар ишлаб чиқди. Шу муносабат билан муҳбиримиз жамғарма Марказий Кенгаши раиси Эркин Бокибоев билан суҳбатлашди:

— Қарияларни кадрлаш йилидаги ушбу ҳукумат қарори жамиятимиз учун катта аҳамиятга эгадир, - деди у, — Республикаимизда истиқомат қилувчи барча пенсионерлар, уруш ва меҳнат фахрийлари мазкур Қарорни қўтариш руҳида қутиб олдилар.

Давлат дастури қарияларга кенг қўламада ёрдам бериш ва эъзозлашга қаратилган. Уларни қўллаб-қувватлаш учун фақат шу йилнинг ўзида 91 миллиард сўмлик маблағ ажратилган. Уни пенсия таъминотини такомиллаштириш, отахон-онахонларни диспансерларда тиббий кўриқдан ўтказиш ва соғломлаштириш, имтиёзли пенсионерларга бепул дори-дармон бериш, сиҳат-гоҳларда бепул даволаш, хомийлик ёрдами

тўрт бўлимдан иборат. Ундан, жумладан, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари турар-жойларини қайтадан аниқлаш, рўйхатга олиш, мутасадди органлар ҳамда жамо-

лаштиришга яқиндан ёрдам бериш, фахрийларнинг ижтимоий муҳофазасини янада кучайтириш мақсадида жамғарманинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари қошида фер-

туришарди. Жорий йилдан бошлаб, Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги Қарорига асосан ҳар бир вилоят, шаҳар ва туманнинг ҳокимлари жамғарма миз бўлинмаларига мутасадди этиб, бирктиб қўйилди. Масъул раҳбарлар йиғилишлари мизда иштирок этиб, муаммоларни жойида ҳал эта бошладилар.

БИРОНТА НУРОНИЙ ЎЗИНИ ЁЛФИЗ СЕЗМАСИН

кўрсатиш ва бошқа турли тадбирларга сарфлаш кўзда тутилган.

Биз давлатимизнинг бундай меҳрибонлигидан бениҳоя мамнунмиз. Кўпни кўрган, катта ҳаёт тажрибасига эга қариялар бунга жавобан мамлакатимиз равнақига кўпроқ ҳисса қўшиш ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фаол қатнашини ўзларининг бурчлари, деб ҳисобламоқдалар.

— Марказий Кенгаш Раёсати йиғилиши қабул қилган тадбирлар тўғрисида тўхталсангиз?

— Раёсат йиғилишида тасдиқланган тадбирлар ат ташкилотлари билан ҳамкорликда моддий ёрдамга муҳтож кексалар, урушда ҳалок бўлган жангчилар оилалари ва яққа-ёлғизларга моддий ёрдам кўрсатишни яхшилаш, умумхалқ байрамларида жамғарма аъзоларини моддий қўллаб-қувватлаш, барча минтақалар, айниқса, Қорақалпоғистон ва Хоразм воҳаларидаги кексаларни шифохоналарда, сиҳатгоҳларда даволаш соғлиқлари тиклашларида дори-дармонлар билан таъминлаш, мурувват ёрдамлари кўрсатиш ва даволашига ўта муҳтож кексаларни марказий клиникаларга жой-

ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ, РЕСУРСЛАРДАН

(Боши 1-бетда).
риш тармоқлари ва корхоналаримиз бўйнига тўшаётган солиқ оғирлиги тобора камайиб бормоқда.

Ўтган йили янги ички маҳсулотга нисбатан давлат бюджетига тортиладиган солиқ улуши 26 фоизгача қисқарди.

Шу вақт мобайнида пул тизими янада мустақамланди. Нақд пул эмиссияси даражаси йил якунларига кўра, прогноз кўрсаткичларида кўзда тутилган 9 фоиз ўрнига, 6,5 фоизни ташкил этди. Пулнинг айлими сурьатлари тезлашди. Натижанда пул массасининг ўсиши янги ички маҳсулотга нисбатан 2000 йилда 17,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткичнинг 16,4 фоизгача қисқаришига эришилди.

Хўжалик юритувчи субъектларда тўлов интисоиди даражаси янада мустақамланди. Мониторинг олиб борилаётган етакчи муассаса ва корхоналарда мuddати ўтиб кетган дебиторлик қарзларига деярли барҳам берилгани ҳам муҳим натижа сифатида баҳолаш мумкин.

Бизнинг асосий экспорт маҳсулотларимизга жаҳон бозорига ноқулай нарх конъюнктураси вуҳудга келганига қарамай, йил якунларига кўра, ташқи савдо айланмасининг 3,1 фоизга ўсиши таъминланди. Ташқи савдо операцияларида 128 миллион АҚШ доллар миқдоридagi илжобий салдоғо эришилди, олтин-валюта захираларимиз аввалги даражада сақлаб қолинди.

Иккинчидан, бизнинг бозор ислохотлари йилдан олга боришимизни кўрсатадиган иқтисодиётдаги институционал ўзгаришлар жараёни сезиларли даражада чуқурлашди.

Бу ерда гап фақат бозор иқтисодиётига хос бўлган янги институт - ташкилотларни шакллантириш хусусида эмас, балки авваломбор, бозор муносабати механизмларини ўзининг иқтисодиётга таъсирини кучайтириш ҳақида бормоқда.

Яъни, хўжалик юритувчидаги эски, ўз умрини яшаб бўлган, зуравонлик, маъмурий-бўйруқбозлик усуллари ўрнини бозор механизмлари ва иқтисодий омилларга, рағбатлантириш усулларига асосланган янги тамойиллар эгалламоқда.

Бу институционал ўзгаришлар замирида, биринчи галда кейинги йилларда молия ва банк тизимини, аудит ва сугурта соҳаларини тўздан ислоҳ қилиш, бозор инфратузилмасининг кенг тармоғини шакллантириш бора-бора амалга оширилаётган чора-тадбирлар жамғириш муккасман топган, десак, асло хато бўлмайд.

Шубҳасиз, бунда мамлакатимизда йил сайин шаклланиб ва мустақамланиб бораётган ҳуқуқий база, шу жумладан, кейинги йилларда қабул қилинган Давлат бюджет ва бюджет тизими, Марказий банк ва банклар тизими, аудит, сугурта фаолияти, лизинг тўғрисидаги турли қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларининг аҳамияти катта бўлмоқда.

Учинчидан, 2001 йилда ҳам иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва инвестицияларни, жумладан, чет эл сармояларини кенг жалб этиш сибсати ҳаёtgа фаол жорий қилинди.

Шу билан бир вақтда, республика иқтисодиётининг таркибий асосини ташкил этувчи етакчи соҳаларини монополиядан чиқариш, уларни бошқариш тизимига замонавий, зарур ўзгаришлар киритган ҳолда қатомиллаштириш бўйича қатъий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Таркибий ўзгаришлар ҳақида гапирганда, яъни, ишлаб чиқаришининг яраги бўлган энергетика қувватларини, нефть-газ мажмуи корхоналарини, кўмир, металлургия, кимё, пахтачи қайта ишлаш саноати, енгил саноат, ипакчилик, чарм-пойабзал, мебель ва бошқа етакчи саноат тармоқларини, лўнда қилиб айтганда, иқтисодиётимизни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурлари босқичма-босқич амалга оширилаётганини таъкидлаш жоиз.

Мамлакатимизда автомо-

билсозлик, дори-дармон ва микробиология саноати каби янги тармоқ ва ишлаб чиқариш турлари жадал ривожланиб бормоқда. Хусусан, «УздЭУавто» қўшма корхонасида янги моделдаги «Матиз» автомашиналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, республика-мизда тиббиёт соҳасида ишлатиладиган шиша идишлар тайёрлаш технологияси ўзлаштирилди.

Ахборот технологиялари тез суръатлар билан ривожланмоқда. Темир йўллар, автомобиль йўллари, транспорт коммуникацияларини модернизация қилиш, янгилирини қуриш ишлари жадал давом этмоқда, мавжуд вагонлар парки янгилашмоқда.

Одамларнинг узогини яқин, оғирини енгил қиладиган Учқудуқ-Мискин йўналишида темир йўлининг қурилиб, ўтган йили бу ерда ишчи қатновларининг йўлга қўйилгани, Термиз, Учқудуқ, Тўртқўл, Эллиққалъа шаҳарларида янги вокзалларнинг бинолари фойдаланишга топширилганини алоҳида айтиб ўтиш зарур.

Экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, хусусан, биз учун аънавий бўлмаган янги маҳсулот турларини экспорт қилиш ҳажмини кенгайтиришга катта эътибор берилмоқда.

Биргина 2001 йилнинг ўзида биз бир қанча улкан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга муваффақ бўлдик. Полиэтилен ва сулфурланган газ ишлаб чиқарадиган, умумий қиймати 1 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган Шўртан газ-кимё мажмуини барпо этиш, Қизилқум фосфорит комбинатининг биринчи навбатини ишга тушириш шулар жумласидандир.

Шунингдек, ўтган йили Тошкентда йўловчи ташувчи вагонлари таъмирлайдиган завод иш бошлади, Фарғонадаги лорат натрий ва хлорат магний дефоланти ишлаб чиқариш «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасини реконструкция қилиш ишлари тугалланди.

Хорижий шериклар билан қўшма корхоналар барпо этиш дастури доирасида 2001 йил мобайнида мамлакатимизнинг барча минтақаларида чет эл сармояси иштирокида 90 та янги корхона ташкил этилди.

Экспорт қилинаётган маҳсулотлар қаторига тиббий шиша идишлар, қишлоқ хўжалик техникасининг янги турлари, кабель-ўтказгич каби янги маҳсулотлар қўшилди. Четга сотилаётган тўқимачилик ва полиграфич маҳсулотларининг турлари янада кўпайди.

Ўтган давр мобайнида маҳаллий хомашё асосида ишлаб чиқариш, импорт маҳсулотларининг ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида ҳам муайян натижалар қўлга киритилди. Жумладан, Фарғонадаги фуран бирикмалари заводи ва Янгийўлдаги целлюлоза-қоғоз фабрикасида линтчи қайта ишлаш ҳамда целлюлоза ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди.

«Навоийот» ишлаб чиқариш бирлашмасида каустик сода, суюк лўлоқ, тузли кислота каби маҳсулотларни тайёрлашга мўлжалланган қувватларни барпо этиш бўйича лойиҳа ишлари ниҳоясига етди.

Пайвандлаш электролари ва тиббий гигиена воситаларини ишлаб чиқариш ташкил этилди. Базаъдан олинмадан ўта ингичка тола, лакбўёқ маҳсулотлари, ўтга чидамли гишт ва шу каби зарур маҳсулотларни ўзини-ўзи ишлаб чиқариш бошланди.

Автомобилсозлик саноатида, қишлоқ хўжалик техникаси ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга катта эътибор берилмоқда.

Маҳаллий минерал ва хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашга асосланган ҳолда янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенг ўзлаштирилмоқда. 2001 йилда мамлакатимизда етиштирилган пахта толасини қайта ишловчи, энг замонавий ускуна ва технологиялар билан жиҳозланган «Қабул-Фарғона», «Чиноз-Тўқимачи» каби янги қўшма корхоналар ишга туширилди. Бу ўринда шуни қайд этиш лозимки, агар 1991 йили республикада пахта

толасини қайта ишлаш 12 фоизни ташкил этган бўлса, эндиликда бу рақам 24,5 фоизга етди.

Пахта толаси ва ипак хомашёларидан энг мукамал технология асосида тайёрланган калава, ип, пахта ва шойи газламаларини экспорт қилиш ҳажмлари анча ошди. Табиийки, хорижий инвестицияларни жалб этмай туриб, ишлаб чиқаришга киритилган капитал маблағлар ҳажмини оширмай туриб, бундай ўзгаришга эришиб бўлмайд.

Жумладан, ўтган йили ана шу сармоялар улуши 62 фоиздан зиёд даражани ташкил этди. Шунингдек, зарурки, жорий 2002 йилда республика иқтисодиётини инвестициялаш ҳажми янги ички маҳсулотга нисбатан 24,5 фоизни ташкил этади. Калитал маблағлар таркибида хорижий инвестициялар хиссаси кўпайиб, у жами инвестицияларнинг 30 фоизига ёки 1 миллиард АҚШ долларига тўғри келади.

Ўтган йилнинг тўртинчи муҳим хусусияти - бу кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ривожланиш суръатлари янада тезлашгани билан боғлиқдир.

Кичик ва ўрта бизнеснинг, фермер хўжаликларининг қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меъриий асослари анча мустақамланди ва тақомиллашди. Кичик ва ўрта бизнес субъектларини рўйхатга олишнинг соддалаштирилган тартиблари жорий этилди.

Тадбиркорлар учун солиққа тортиш, бухгалтерия ҳисоби ва статистик ҳисоботлар топириш тизими соддалаштирилди ва бир хил ҳолатга келтирилди. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини оширишга қаратилган қулай шарт-шароитлар яратилди.

Тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар кучайтирилгани натижасида назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текширишлар сони анча камайди.

Имтиёзли ва микрокредитлар бериш ҳамда бошланғич капитални шакллантириш учун маблағ ажратиш йўли билан кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш миқдoлари кенгайтирилди.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларига берилган кредитлар ҳажми ўтган йилнинг ўзида 2,4 мартадан кўпроқ ошди. Буларнинг 70 фоизга яқини ўрта ва узоқ мuddатли кредитлардир. Тадбиркор ва фермерларга берилган микрокредитлар ҳажми эса 27 миллиард сўмдан зиёд бўлди.

Кичик ва ўрта бизнес вакилларининг моддий-хомашё ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни товар-хомашё биржаларида сотиш ҳажми ошиб бормоқда.

Натижада кичик ва ўрта бизнеснинг янги ички маҳсулотдаги хиссаси ўсиб, у ҳозирги кунда 24,5 фоизни ташкил этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугун мамлакат иқтисодиётида банд бўлган аҳолининг 53 фоиздан кўпроги кичик ва ўрта тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилмоқда.

Лекин, бу ерда ўтирган барча рағбатларни оғохлантириб айтмоқчиманки, бундан бошимиз айланб, маърурилик кетмаслигимиз керак. Бу соҳада ҳали жуда кўп муаммолар бор, уларни ҳал этиш учун бeлғи маҳкам боғлаб, қаттиқ меҳнат қилишга тўғри келади.

Бешинчидан - қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга ошириш борасида ҳам илжобий силжишлар кўзга ташланмоқда. Ўтган йилда ҳам қишлоқ хўжалик кооперативлари, яъни ширкатларни шакллантириш ишлари давом эттирилди. Бундай хўжаликларнинг аъзолари мулк пайларига эга бўлдилар. Зарар қуриб ишлабидиган ва кам самарали хўжаликлар негизда фермер хўжаликлари ташкил этишга алоҳида аҳамият берилди.

2002 йилнинг 1 январига ҳами 1 минг 900 та хўжалик, шу жумладан, 2001 йилнинг ўзида 112 та хўжалик ширкатларга айлантирилди. Ҳозирги вақтда 1 миллион 400 минг киши ширкат аъзоси бўлди. Ўтган йили 52 та

қишлоқ хўжалик корхонаси негизда танлов асосида 3 минг 400 фермер хўжалиги ташкил этилди.

Мамлакатимиздаги жами фермер хўжаликларининг сони эса 55 минг 400 гага етди.

Хўжаликлар билан тайёрловчи ва қайта ишловчи корхоналар ўртасидаги муносабатлар ва ҳисоб-китоблар тизими тўздан ўзгармоқда. Мулк шаклидан қатъи назар, барча қишлоқ хўжалик корхоналарида молия-ҳисоб марказлари ташкил этилиб, харажатларни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг чек тизими асосида иш олиб боришмоқда.

Ҳисобот йилида қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб

бўйига айлиниб бормоқда. Банкларро валюта савдо сессиялари ошқоралик ҳамда очиқлик тамойилларига асосланган ҳолда ҳар кунги ўтказиб келинмоқда.

Деярли барча ваколатли банкларга валюта алмаштириш операцияларини бажариш ҳуқуқи берилган. Бугунги кунда ваколатли банкларнинг 1 минг 21 та алмаштириш шохобчалари валюта алмаштириш операцияларини бажармоқда.

Бир сўз билан айтганда, сўнгги йилнинг ўзида жорий операциялар бўйича миллий валютанинг эркин конвертациясини таъминлаш юзасидан салмоқли қадамлар қўйилди. Бу ишларни 2002 йилда албатта охирига етказишимиз зарур.

Яна шуни мамнуният билан таъкидламоқчиманки, кейинги вақтларда бизнинг халқро молия ташкилотлари билан муносабатларимиз сифат жиҳатидан ўзгариб бормоқда. Икки томонлама муносабатларни келгуси йилларда янада ривожлантириш мақсадида ўзаро келишилган ҳамкорлик стратегияси иш-лаб чиқилиб, бу борада мустақам пойдевор қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг Халқро валюта фонди билан келишган ҳолда 2002 йилнинг биринчи ярмига мўлжалланган иқтисодий ва молиявий сибсати бўйича Меморандумини ишлаб чиқилгани ва қўнға киритилгани ушбу ҳамкорликнинг яққол самарасидир.

Мазкур Меморандумнинг кўпгина қоидалари бугунги кундаёқ амалга оширилмоқда. Бироқ бу борада жорий йил давомида қилинадиган ишлар ҳам кўп. Ҳурматли дўстлар! Жорий йилдаги иқтисодий стратегиямизнинг асосий маъно-мазмунини белгилайдиган давлат бюджетининг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлари ва йўналишлари Олий Мажлиснинг еттинчи сессиясида кенг муҳокама этилгани ва маъқулланган барчангиз яхши хабардорсиз.

Биз бугун ўтган йил якунларидан келиб чиқиб, 2002 йил давомида асосий эътиборимизни қаратишимиз лозим бўлган энг муҳим вазифаларни яна бир бор аниқлаб олишимиз керак. Шу нукта назардан қараганда, 2002 йилда биз аввало қандай устувор масалаларга эътиборимизни қаратишимиз даркор?

Биринчидан қаторида иқтисодиётимиздаги макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инфляция даражасини сезиларли равишда пасайтириш ҳамда қатъий молия ва кредит сибсатини ўтказиш биз учун гоят муҳим аҳамиятга эга.

Бизнинг энг муҳим стратегик вазифамиз халқ хўжалиги тармоқлари ва корхоналарни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш асосида экспорт товарлари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, иқтисодиётимиздаги таркибий ўзгаришларни яна-

да чуқурлаштиришдан иборат эканлигини унутмаслигимиз керак.

2002 йил мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масаласини ҳал қилишда кескин бурилиш йили бўлиши зарур. Бунинг учун сон кетидан қувмасдан, ишни хусусийлаштириш дастурига кирган конкрет йирик корхоналардан, биринчи навбатда, алоҳида лойиҳалар бўйича хусусийлаштириладиган, авваломбор, 2002-2003 йилларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлаш дастури ҳамда Қарияларни қадрлаш йили бўйича қабул қилинган давлат дастуридир.

Бу дастурлар, аввало, кеска авлод вақилларига бўлган гамхўрлик ва эътиборни кучайтиришга, ёши улуг инсонлар ва аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларини давлат ва жамият томонидан маънавий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган. Бинобарин, улар тўлиқ ҳажмида амалга оширилиши зарур.

Бу дастурларда кўзда тутилган вазифаларнинг бажарилиши пировард натижада аҳолининг, айниқса, ҳар бир пенсионер, барча отахон ва онахонларимизнинг яшаш шароити, саломатлиги ва кайфиятига илжобий таъсир кўрсатишига эришмоғимиз керак.

Мен ушбу дастурий тадбирларни бажариш барчамизнинг виждоний бурчимиз эканини, бу борадаги маъсулият шахсан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг рағбатлари зиммасига юклатилганини яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман.

Бу дастурларнинг қандай ижро этилаётганини Вазирлар Маҳкамасининг биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган мажлисида кўриб чиқиш керак.

Шу ўринда яна бир муҳим масала хусусида тўхталиб ўтмоқчиман. У ҳам бўлса, тугилаётган болалар ва аёллар соғлигини ҳимоя қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш масаласидир. Бу ҳақда 2002 йил 25 январда Вазирлар Маҳкамаси махсус қарор қабул қилганидан хабардорсиз.

Гап, бир қарашда жуда оддий бўлиб туюладиган, аслида эса ўта муҳим аҳамиятга соғлом бўлган «соғлом она - соғлом фарзанд» деган - ҳаётий масала хусусида бормоқда. Нафақат соғлом ва барқарор оилани шакллантириш, балки бутун жамиятимизда соғлом муҳит барпо этиш, халқимизнинг фаровон турмуши ва келажини таъминлаш ҳам ушбу масаланинг қандай ҳал этилиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Мухтарам йиғилиш қатнашчилари! Мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий taraқийнинг 2002 йилга мўлжалланган муҳим устувор вазифаларини аниқлар эканмиз, биз Иккинчи қақриқ Олий Мажлиснинг биринчи сессияси қарорларида, «Жамиятнинг сибсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислохотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича дастурларни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 2 июнда қабул қилинган Фармонда ҳамда Халқро валюта фонди билан келишилган иқтисодий ва молиявий сибсат масалалари бўйича Меморандумда кўзда тутилган дастурий мақсадлардан келиб чиқамиз.

Бошқача айтганда, мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошланган йўналишларни, яъни ҳаётимизнинг демократик қадриятлар ва талаблар асосида модернизациялаштириш - янгиликларимизни бош йўлимиз, деб қабул қилишимиз ва қатъий билан давом эттиришимиз зарур.

Бу вазифаларни бажариш биздан барча куч ва имкониятларимизни, кенг маънода бутун салоҳиятимизни тўла сафарбар этишни талаб қилади.

Ҳеч шубҳасиз, бу азуғ мақсадларни амалга ошириш йўлида, авваломбор, барча

бўлиб қолади, албатта. Бу - бутун сибсатимизнинг, ўтказилаётган ислохотларнинг барча босқичларида доимий ва изчил амалга оширилиши лозим бўлган асосий йўналиш бўлиб қолиши керак.

Маълумки, бу борада ҳукумат томонидан бир қатор муҳим ижтимоий дастурлар қабул қилинди. Уларни бажариш билан боғлиқ вазифаларнинг катта қисми 2002 йилга тўғри келади. Бу, авваломбор, 2002-2003 йилларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлаш дастури ҳамда Қарияларни қадрлаш йили бўйича қабул қилинган давлат дастуридир.

Бу дастурлар, аввало, кеска авлод вақилларига бўлган гамхўрлик ва эътиборни кучайтиришга, ёши улуг инсонлар ва аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларини давлат ва жамият томонидан маънавий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган. Бинобарин, улар тўлиқ ҳажмида амалга оширилиши зарур.

Бу дастурларда кўзда тутилган вазифаларнинг бажарилиши пировард натижада аҳолининг, айниқса, ҳар бир пенсионер, барча отахон ва онахонларимизнинг яшаш шароити, саломатлиги ва кайфиятига илжобий таъсир кўрсатишига эришмоғимиз керак.

Мен ушбу дастурий тадбирларни бажариш барчамизнинг виждоний бурчимиз эканини, бу борадаги маъсулият шахсан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг рағбатлари зиммасига юклатилганини яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман.

Бу дастурларнинг қандай ижро этилаётганини Вазирлар Маҳкамасининг биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган мажлисида кўриб чиқиш керак.

Шу ўринда яна бир муҳим масала хусусида тўхталиб ўтмоқчиман. У ҳам бўлса, тугилаётган болалар ва аёллар соғлигини ҳимоя қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш масаласидир. Бу ҳақда 2002 йил 25 январда Вазирлар Маҳкамаси махсус қарор қабул қилганидан хабардорсиз.

Гап, бир қарашда жуда оддий бўлиб туюладиган, аслида эса ўта муҳим аҳамиятга соғлом бўлган «соғлом она - соғлом фарзанд» деган - ҳаётий масала хусусида бормоқда. Нафақат соғлом ва барқарор оилани шакллантириш, балки бутун жамиятимизда соғлом муҳит барпо этиш, халқимизнинг фаровон турмуши ва келажини таъминлаш ҳам ушбу масаланинг қандай ҳал этилиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Мухтарам йиғилиш қатнашчилари! Мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий taraқийнинг 2002 йилга мўлжалланган муҳим устувор вазифаларини аниқлар эканмиз, биз Иккинчи қақриқ Олий Мажлиснинг биринчи сессияси қарорларида, «Жамиятнинг сибсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислохотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича дастурларни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 2 июнда қабул қилинган Фармонда ҳамда Халқро валюта фонди билан келишилган иқтисодий ва молиявий сибсат масалалари бўйича Меморандумда кўзда тутилган дастурий мақсадлардан келиб чиқамиз.

Бошқача айтганда, мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошланган йўналишларни, яъни ҳаётимизнинг демократик қадриятлар ва талаблар асосида модернизациялаштириш - янгиликларимизни бош йўлимиз, деб қабул қилишимиз ва қатъий билан давом эттиришимиз зарур.

Бу вазифаларни бажариш биздан барча куч ва имкониятларимизни, кенг маънода бутун салоҳиятимизни тўла сафарбар этишни талаб қилади.

барча муаммолар қаторида муҳим бир масалага алоҳида эътиборимизни қаратишга бизни бугун ҳаётнинг ўзи мажбур қилмоқда.

Гап, аввало, мамлакатимизнинг улкан моддий ва табиий ресурсларидан тежаб-тергаб, самарали ва оқилона фойдаланиш устида бормоқда.

Гап, биринчи галда, табиатнинг бебаҳо неъмاتي - халқимизнинг бойлиги бўлмиш экин акиладиган ерлардан, сугориш ва ичимлик сувидан, ёқилғи-энергетика, минерал-хомашё ва бошқа ресурслардан тўғри ва асраб-авайлаб фойдаланиш ҳақида бормоқда.

Юртимизга ташриф буюрган, бизнинг ресурсларни тежаб масаласига бўлган бепарво муносабатимизни кўрган чет эллик ҳамкорларимизнинг «Сизлар дунёнинг энг бой мамлакатига яшар қансиз» деганига кўп бор гувоҳ бўламиз. Уларнинг бу борада нечоғли ҳақ эканликларини инкор этиб бўлмайди. Чунки улар ҳатто энг бой ва гуллаб-яшнаётган мамлакатлар ҳам ресурсларга нисбатан бу қадар маъсулиятсизликка, бу қадар исрофгарчиликка йўл қўймаганини яхши билишди.

Айниқса, фақат ўзини, бугунги кунни эмас, келгуси авлодларини ҳам ўйландирган мамлакатлар бундай ҳолатга асло йўл қўймайди.

Мисол учун, энг бебаҳо бойлигимиз - ердан фойдаланишни олайлик. Шу нарса барчамизга яхши маълум бўлиши керакки, биздаму ўта оғир сув тақчиллиги шароитида Ўзбекистон ерларининг фақатгина 10 фоиздан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадларида фойдаланиш мумкин. Мамлакатимиз аҳолиси асосий қисмининг даромади ва фаровонлиги мана шу ердан самарали фойдалана олишимизга, унинг ҳосилдорлигини қай даражада сақлаб туришимизга боғлиқ эканини англаган ҳолда бу муаммо нақад

ОЛИМПИА ҚИШЛОҒИ

Бугун бутун жаҳон аҳлининг нигоҳи XIX қишки Олимпия ўйинлари ўтаётган Америка Қўшма Штатларининг Солт-Лейк-Сити шаҳрига қаратилган. 78 мамлакатнинг 2527 нафар спорт устаси фигурали учиш, биатлон, хоккей, кэрлинг, бобслей, сноубординг, чана, коньки, трамплиндан сакраш каби 15 та қишки спорт тури бўйича

бахсларда қатнашмоқда. Жами 78 та медал шодаси эса ўз соҳиблари — Олимпия ўйинларининг чемпиони ва совриндорларига тақдим этилаётган. Зеро, мусобақалар нуфузи ҳақида ҳар қанча гапирсак арзийди. Бирок, биз бу гаг Солт-Лейк-Сити, аниқроғи, бу ердаги спорт мажмуалари, иншоотлари хусусида сўз юритмоқчимиз.

Солт-Лейк-Ситидаги махсус майдончада, 20 минг мухлис гувоҳлигида топирилмоқда. Бу иншоот 2001 йили ажойиб меъмориал кўринишда барпо этилган.

Штатнинг Университет шаҳарчасида жойлашган Олимпия ўйингоҳи 1998 йили бунёд этилган. У ўз бағрига 46500 томошабинни сиғдира олади. Хабарингиз бўлса, айни шу ўйингоҳда мусобақаларнинг тантанали очилиш маросими ўтказилган, уни дунёнинг 3,5 миллиард аҳолиси телевидение экранлари орқали, 56 мингга яқин киши эса бевосита ўйингоҳда туриб кузатган эди. Яна ўн кундан сўнг XIX қишки Олимпия ўйинлари ниҳоясига етади. Нуфузли мусобақанинг ёпилиш маросими ушбу ўйингоҳда ташкиллаштирилиши режалаштирилган. Бир сўз билан айтганда, бу ажойиб спорт иншооти Олимпия машаласини бўлғуси беллашувлар мезбони — Италиянинг Турин шаҳрига топширади.


Аввало, мезбон шаҳар тўғрисида. Солт-Лейк-Сити АҚШнинг Юта штатида жойлашган. Денгиз сатҳидан 1305 метр баландликдаги бу шаҳар ўзининг табиий гўзаллиги, мафтункорлиги билан ажралиб туради. Мусобақалар ўтказилаётган спорт иншоотлари эса шаҳардан турли узоқлик ва баландликда жойлашган. Айтганча, шаҳар тасарруфидаги барча замонавий қулайликларга эга Олимпия қишлоғи бундан икки йил муқаддам бунёд этилган бўлиб, бу ерда бирданига 3500 киши истиқомат қилиши мумкин.



моқда. Улардан энг йириги Юта Олимпия парки ҳисобланади. У шаҳардан 24 мил шарқий узунида жойлашган. Паркда трамплин ва фристайл майдонлари, чанги учиш объектлари мавжуд. Шунингдек, мазкур иншоотда бобслей, чанада учиш, скелетон каби қишки спорт турлари бўйича ҳам беллашувлар ўтказиш имконияти мавжуд. Олимпия паркида 36 минг нафарга яқин киши мусобақаларни томоша қилиши мумкин.

Эркақлар ва аёллар терма жамоалари ўртасидаги хоккей ўйинлари ўтаётган Вест-Виллей Сити хоккей саройи 1997 йили қурилган. 10451 та ўриндиққа эга саройнинг умумий майдони 20 минг кв. метр жойни эгаллаган.

Аввалги Олимпия ўйинларидан фарқли ўлароқ, бу гал совриндорларга медаллар



«Умид ниҳоллари-2002»

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 154-мактаб қошида қарийб икки йилдан бун «Нур» спорт клуби фаолият кўрсатиб келяпти.

Ўқувчилар ўртасида ПЕШҚАДАМ

Мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси Михаил Дилчаев мураббийлигида 70 нафарга яқин ўқувчи ёшлар стол тенниси, волейбол, шахмат, шашка сирларини ўрганишмоқда. Клуб аъзолари ҳар йили ўқувчилар ўртасидаги турли мусобақаларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллашмоқда.

Яқинда Михаил Дилчаев шогирдлари «Умид ниҳоллари» мусобақаларида иштирок этишди. Қизгин ўтган беллашувларда ўз омадларини синаб кўрган 154-мактаб ўқувчилари стол тенниси ва футбол бўйича биринчи, шахмат бўйича иккинчи ўринни эгаллаб, умумжамоа ҳисобида пешқадамликка эришдилар.

Ўқувчиларимизга спорт клубидаги сабоқлар кўл келди. Умид қиламанки, улар кейинги босқич да ҳам муваффақиятли иштирок этишади, — дейди спорт клуби раҳбари.

Д. МАЖИДОВА.

Мунаввар тонг пайти қаҳратон чилла ўз ўрнини баҳор эпкилларига алмаштирди. Шаҳардаги Бобур номи истироҳат боғи тонг саҳардан гавжумлашиб қолди. Субҳидамдан спорт кийимини кийган ўсмирлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб югуришга киришдилар. Қўшни вилоятдан таширф бўлган ҳамкасб дўстим нонуштани боғ чойхонасида қилишни таклиф этгани бонс кўртақлари кун сайин бўрттиб бораётган дарахтлар оралаб кетарканмиз, спортчиларнинг навбатдаги гуруҳи ёнгинамиздан шамолдек ўтиб кетишди.

Пиллапоя

иб Дилфуза. — Қолаверса, бу спорт тури менга жуда ёқди. Чунки, аввало, у инсон саломатлигига фойдали, бундан ташқари, ҳаракатларнинг чаққон бўлиши ва ҳар қандай қутилмаган зарбага тайёр туришни таъ-

КАРАТЭЧИ ДИЛФУЗА

— Ажабо, саҳармардондан қандай зарурат мажбур қилди экан уларни, — деди меҳмон бироз ҳазил, бироз ажабланиш билан.

— Мажбурият эмас, қизиқиш, — бизга ҳамроҳ бўлган кўшним изох берди.

— Қизларни кўринг, қизларни, — меҳмон ҳамон ажабланиш билан. — Наҳотки, улар спортга шу даражада қизиқишса.

Менга нисбатан спортдан кўпроқ хабардор кўшним жавоб қайтарди: — Булар, аввало, оддий қизиқувчан болалар эмас. Спортнинг у ёки бу тури бўйича анча танилиб қолишган. Масалан, анови сочлари силкиниб бораётган қиз Дилфуза Тожибоева бўлади. У эндигина ўн бир ёшга кирганлигига қарамадан каратэ бўйича вилоятдагина эмас, Ўзбекистонда ҳам танилган чемпион қизларимиздан.

Хуллас, юқоридаги мавзу нонушта пайтида ҳам давом этди. Хусусан, каратэчи қиз Дилфуза Тожибоевани қайси беллашувларда қандай қатнашганлиги, эришган натижалари ҳақида кўшним анчагина маълумотларни келтирди.

Уша суҳбатдан сўнг дилда уйғонган қизиқиши мени Дилфуза билан яқинроқ танишишга ундади. Натижада шу нарса ойдинлашдики, каратэчи қизнинг ушбу спорт турига қизиқиши аслида, халқ тили билан айтганда, «қондан» ўтган экан. Негаки, Дилфузанинг отаси, Наманган шаҳридаги «Нуробод» массивида жойлашган «Нур» спорт клуби раҳбари, каратэ бўйича биринчи ДАН соҳиб Қодирхон Тожибоев ўз даврида вилоят, водий ва республика миқёсидаги қатор мусобақаларда голиблик шохсупасига кўтарилган.



— Қизимни жуда ёшлик чоғлариданоқ машғулотларга, мусобақаларга олиб борардим, — дейди Қодирхон. — Энди йўлга қира бошлаганиданоқ кўрганларини қайтаришга уринар, ўзича каратэга оид маълумотларни бажаришга интиларди. Аввалига, қиз болага тўри келмайди, деб аҳамият бермай юрдим. Қарасам, ҳаракати жиддий. Ишга кетаётсам, «бирга бораман», «мен ҳам шуғулланаман» дея елкамга осилиб оладиган бўлди. Таваккал, деб розилик бердим. Ҳозир ўн бир ёшга тўлган бўлса, шундан олти йилни каратэ машғулотлари билан ўтказяпти.

— Қизларнинг каратэ билан шуғулланишларининг ҳеч қандай ёмон томони йўқ, — дейди жилмай-

минлайди. Энг муҳими, каратэ киши иродасини тоблайди.

Дилфуза, ўзи айтганидек, иродали қиз. Изланиш, меҳнатдан қочмайди. Шунинг учун унинг тинимсиз машқуларни ўз самарасини бермоқда. Ҳозирдаёқ ўз тенгдош дугоналари ўртасида вилоят беллашувларининг уч бор голиби. Шунингдек, Фарғона водийси миқёсида уюштирилган каратэчи қизлар мусобақасида ҳам унга тенг топилмади, республика миқёсидаги турнирлар совриндори.

— Мақсадим, — дейди хайрлашиш олдидан Дилфуза. — Халқроқ турнирларда ўзбек қизлари нималарга қодир эканлигини дунёга намойиш этишдир.

Ж. ОБИДОВ.

Сулола

Самбо бўйича мамлакат чемпионлари — Пўлат ва Камол Суюновлар Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги «Истиқлол-2» ширкат хўжалигида тугилиб воғга өтишди. Хўжаликдаги Аҳмад Яссавий номи 8-мактабда таълим-тарбия олишди. Ёшлик чоғлариданоқ самбо курашига меҳр кўйган ака-укалар бир қатор нуфузли беллашувларда қатнашиб, голиблар сафидан ўрин олдилар.

АКА-УКА ЧЕМПИОНЛАР

Пўлат жисмоний тарбия институтини тугатиб, айни пайтда ўзи ўқиган мактабда жисмоний тарбия фанидан сабоқ бериб келмоқда. Шу билан бирга туман миллий кураш федерацияси раиси сифатида фаолият кўрсатиб келяпти. Унинг жонбозлиги билан барча мактабларда кураш тўғараклари ташкил этилган. Шогирдлари Олимпик Равшанов, Собир Бадалов, Шўҳрат Мавлонов кабилар вилоят ва республика мусобақаларида муваффақият билан иштирок этишмоқда.

Абдулла Қодирий номи Жиззах педагогика институтининг жисмоний тарбия факультети талабаси, бир қанча мусобақаларда голиб Камол Суюнов эса акаси ва устозлари раҳбарлигида тобора маҳоратини ошириб бораёпти.

Б.НОРКУЛОВ, «Ишонч» муҳбири.

«ТУРОН»НИНГ УМИДЛИ ЁШЛАРИ

Республика ўқувчи-ёшлар маркази қошида фаолият кўрсатиб келаётган «Турон» спорт клубининг ташкил этилганлигига кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамадан марказ раҳбари Комижон Йўлдошев ва бош мураббий Алишер Аширволарнинг саъй-ҳаракатлари билан «Турон»нинг ўнлаб йигит-қизлари турли мусобақаларда қатнашиб, зафар қучишга ҳам улгуришди.

Яқка курашчилар яқинда ўтказилган турнирда фахрли иккинчи ўринни эгаллашди. Мусобақада жамоа фахрига айлиб улгурган ёш спортчилар айниқса юқори кўрсаткичларга эришдилар. Хусусан, ўғил болалар ўртасида 35 килограмм вазнда Д.Шукуров биринчи ҳамда 40 килограмм вазнда Ф.Тўхтаев ва 30 килограмм вазнда И.Ваҳобовлар иккинчи ўринларни эгаллашган бўлса, қизлар ўртасида Ш.Ақромова (35 килограмм вазнда), Д.Азимова (40 килограмм вазнда)лар совриндор сафидан жой олишди.

Бу ютуқлар клубда ўзбек спортининг бўлғуси юлдузлари тарбияланаётганига умид уйғотади.

О.ЭРГАШЕВ.

Ўқидингизми, эшитдингизми?

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Футбол бўйича 17 ёшгача бўлган Амирликларидан ўтказилади. Шунингдек, 20 ёшгача бўлган футболчиларимизнинг рақиблари ҳам аниқ. Ўзбекистон терма жамоаси 6-саралаш гуруҳида Туркменистон ва Непал билан куч синашади. Мусобақанинг финал қисми 15-31 октябрь кунлари Қатарда бўлиб ўтади.

(ЎЗА).

Касаба уюшмалари нафақат меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини оммавий спортга жалб этиш, балки халқроқ мусобақаларда муваффақиятли иштирок эта оладиган етуқ спортчиларни тарбиялашга ҳам катта эътибор қаратмоқда. Хусусан, Тошкент вилояти касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти бу борада салмоқли ишларни амалга оширяпти. Жамият ташаббуси билан вилоятнинг чекка-чекка қишлоқларидан истиқомат қилаётган иктидорли ёшлар катта спортга жалб этилмоқда.

— Мақсадимиз вилоятимиздаги иктидорли ўғил-қизларни излаб топиш, тарбиялаш, камолга етказиш. Бунинг учун олдидан тузилган режа асосида изчил иш олиб боряпмиз, — дейди жамият раҳбари, спорт фидойиси Нодир Баҳодиров. — 756 та қўйи жисмоний тарбия жамоаси, 15 та туман, 5 та шаҳар касаба уюшма спорт жамиятларида ўз маҳоратини ошираётган 67653 кишининг аксарини ана шундай ёшлар ташкил этади.

Дарҳақиқат, мамлакат ва халқроқ миқёсдаги юксак натижаларга энг аввало оммавийлик йўли билан эришилади. Шунинг учун ҳам вилоятда «Саломатлик» ҳамда хотин-қизлар спартакиадалари, турон якка кураши, футбол, миллий кураш бўйича туман ва шаҳарлар миқёсидаги мусобақаларни зўр кўтаринкилик билан ўтқа-

ОММАВИЙЛИКДАН ЮКСАК НАТИЖАЛАРГА

Касаба уюшма спорти

ташкил этилди. Бунда айниқса, Қибрай, Паркент, Бўстонлик, Чиноз, Ўрта Чирчиқ туманлари ва Янгийўл, Ангрэн, Бекобод шаҳарлари вакиллари пешқадамлик қилишди.

Зангиотадаги от спортига ихтисослашган «Олтин тақа», Қибрай тумани лимончилик хўжалигидаги шахмат, Тошкент тумани «Тошкент» ширкат хўжалиги қошидаги футбол клублари қаторида бугун Чиноз, Бўқа, Оҳангарон, Ўрта Чирчиқ, Паркент, Юқори Чирчиқ ва Бўстонлик ту-

манларида ҳам спорт-соғломлаштириш клублари фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, ёшларни ўзига кўпроқ жалб этаётган шарқона кураш турлари — турон, таэквандо, каратэ, у-шу бўйича туман марказлари, кўрғон ва маҳалларда ташкил этилган гуруҳларда малакали касаба уюшма мураббийлари иш олиб боришмоқда. Масалан, Ўрта Чирчиқ туманида таэквандо билан 700 нафарга, Тошкент туманининг Охунбобоев номи ширкат хўжалигида турон якка ку-

раши билан 300 нафарга яқин фарзандларимиз шуғулланишмоқда. Мавжуд 2 та олимпия захиралари ҳамда 8 та қишлоқ спорт мактаблари ва 7 та БУСМда эса 4750 нафар ўғил-қиз ўзлари етирган спорт турлари билан машғул. Қувонарлиси, ўтган йилнинг ўзида 5 нафар халқроқ тоифадаги, 19 нафар спорт устаси ва 95 нафар усталикка номзод, 182 нафар биринчи разрядли спортчилар тайёрланди. Турли нуфузли мусобақаларнинг голиб ва совриндорлари Константин Хардин, Дилшод Мансуров, Искандар Расулов, Шаҳноза Шўҳратжоновна, Флюра Бектемирова, Мурод Калиқулов, Исроил Матбобоевлар билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Юксак натижалар ўз-ўзидан қўлга киритилмайди, албатта. Вилоят аҳолисининг аксар қисми қишлоқ жойларида яшашини инобатга олиб, вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти ўз тасарруфидаги спорт мак-

табларини ширкат хўжаликларига бириктириб, шартнома асосида иш олиб боришни йўлга қўйган. Шу тўғрисида хўжалик раҳбарлари спорт мактабларига катта ҳомийлик кўрсатишмоқда. Масалан, ҳозирда Паркент туманининг Хиссарак, Заркент, Сўқоқ ва Бойқозон қишлоқларида, Тошкент туманининг Охунбобоев номи, «Ҳасанбой» ва «Тошкент», Қибрай туманининг «Дўрмон» ва лимончилик ҳамда Бўстонлик туманининг Абай номи ширкат хўжаликларида шу йўсинда иш олиб борилмоқда.

Сўз сўнггида, ёшларга ўз билим ва тажрибаларини фидойилик билан ўргатаётган мураббийлар Ақром Шердонаев, Борис Писаревский, Инна Хегай, Қамариддин Турсунов, Жаҳсилбек Бегматов, Нурғали Абдураимов, Владимир Егун, Зуфар Бибарцевлар меҳнатини алоҳида таъкидлашни истардим.

М. ИСАЕВА.



ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Таҳрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Мамура Одилова, Сафар Остонов, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа борилади.
Босишга топшириш вақти - 21.00

Маънавийлик: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақдаланди. Offset усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.